



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФИРИБАРЛИК
ЖИНОЯТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

*Авезова Малоҳат Салий қизи
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
315-гурух курсанти **

Анотация: Мазкур мақолада фирибагарлик жиноятидан жабр кўрган фуқаролар томонидан фирибагарлик қурбони бўлганлиги ҳақида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги, натижада ушбу жиноятлар расмий рўйхатга қайд этилмасдан “латент”лигича қолиб кетиши, фирибагарлик жиноятлари сабаб ва шарт-шароитлар таъсири остида содир этилганлиги, ҳукукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар тизими кўрсатилган бўлиб уларга, таклиф ва тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: фирибагарлик, латент, фирибагар шахси, профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар тизими, содир қилиш усуллари, жабирланувчилар рўли, тавсиялар.

Мамлакатимизда содир этилган жиноятларнинг, шу жумладан фирибагарликнинг барчаси ҳам очилмасдан, фош этилмасдан ушбу жиноятларни содир этган шахсларга жазо муқаррарлигини таъминланмасдан қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Чунки, пироваридида, фирибагарлик жиноятидан жабр кўрган шахсларнинг мол-мулки ўз-ўзидан фирибаглар қўлида қолиб кетмоқда. Бунга, айrim ҳолларда фирибагарлик жиноятидан жабр кўрган фуқаролар томонидан фирибагарлик қурбони бўлганлиги ҳақида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги, натижада ушбу жиноятлар расмий рўйхатга қайд этилмасдан “латент”лигича қолиб кетиши ҳам асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Масаланинг яна бир салбий жиҳати шундаки, қўлга тушмаган фирибаглар ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, бошқа фуқароларга ҳам моддий зарар етказади. Шу боис, фирибагарликка қарши курашишда, ушбу турдаги жиноятнинг барвақт олдини олиш, фош этиш ва айборларни аниқлаб, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш бирдек муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада донишманд ҳалқимизнинг “касални даволагандан кўра уни

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи курсанти



олдини олган яхши” – деган нақлига амал қилиш, фуқаролар ўртасида самарали ҳуқуқий тарғибот ишларини, айниқса, виктимологик профилактик мазмунга эга чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур чора-тадбирларнинг самарадорлиги фирибгарлик жиноятини келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг содир этилишига имконият берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва аниқ, манзилли йўналтирилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ.

Ўрганиш натижаларига кўра, фирибгарлик жиноятлари қўйидаги сабаб ва шарт-шароитлар таъсири остида содир этилади: а) фуқароларнинг ишонувчанлиги, соддалиги, ҳуқуқий онг ва маданиятининг етарли даражада эмаслиги, мактансулоғлиги (уй-жойи, мол-мулки ва унинг миқдори ҳакида мақтаниш); б) оила шароитида, иш, ўқиш ва яшаш жойларида ғаразли мақсадларнинг шаклланиши; в) молпарастлик, мол-дунёга ўчлик, тезроқ бойишга иштиёқ ва очкўзликнинг мавжудлиги; г) жамиятдаги ижтимоий-маънавий камчиликлар; д) тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслиги ва х.к.

Маълумки, жиноятларнинг сабаблари объектив ва субъектив хусусиятга эгалиги билан таснифланади. Шу жиҳатдан, фирибгарлик жиноятларига субъектив сабаблар хосдир. Кўп ҳолларда мавжуд қарама-қаршиликлар ва салбий вазиятлар фирибгарлик жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлади, яъни ушбу вазиятлар муайян шахсларда салбий ижтимоий ва индивидуал-руҳий хусусиятларни шакллантиради. Бу каби индивидуал-руҳий хусусиятлар шахсни молпарастликка жалб этади ва унда пулнинг қудратига ишонч пайдо бўлади. Оқибатда шахсда ижтимоий бузук руҳият шаклланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги (2014 йил 14 май) қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг механизми тўлақонли ўз ифодасини топди. Бошқача қилиб айтганда ҳуқуқбузарлик тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларининг ғайриижтимоий хулк атворга эгалиги пайтиданоқ қайси турдаги профилактик таъсир кўрсатиш чора тадбирларининг қўлланилиши ҳуқуқбузарлик содир этилишида жабрланувчининг айбли ёки айбиз холатлари уларнинг виктимлигининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларини ахлокан тузатиш бу борада умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чораларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш механизми яратилди.

Аммо соҳани илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурияти мавжуд бўлиб бунга бир қатор қонун нормаларидағи тафовудлар сабаб бўлмоқда. Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муайян турларга ажратилган ва умумий, маҳсус, якка ва виктимологик профилактикаси ташкил этади. Бироқ

профилактик шакл ва мазмун жихатдан таҳлили уларнинг барчасини хам тур сифатида этироф этишни истесно этади. Негаки, муайян бир тур бошқасидан ўзига хос хусусият индивидуаллик билан фаркланиши лозим. Аммо қонунда келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг барчаси бу каби хусусиятга эга эмас. Яъни уларнинг ўзига хос жихатлари билан бир биридан тубдан фарқ килмасдан бир - бирини тақазо этади ва айнан бир турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тури сифатида ажратиб қўрсатишимиизга монелик қиласди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар тизими қўрсатилган бўлиб уларга:

- 1) Ички ишлар органлари
- 2) Прокуратура органлари
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- 4) Давлат хавфсизлаги хизмати органлари
- 5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
- 6) Адлия органлари
- 7) Давлат божхона хизмати органлари
- 8) Давлат солик хизмати органлари
- 9) Мехнат ва ахолини муҳофаза қилиш органлари
- 10) Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари
- 11) Давлат соғлиқни саклаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни саклаш муассасалари
- 12) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари;
- 13) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- 14) Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари.

Ушбу модданинг биринчи кисмида қўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қонун хужжатларида белгиланган тартибда иштирок этадилар.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга отпирувчи орган ва муассасалар фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга маъсул ҳисобланадилар.

Қонун хужжатларига биноан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъектлар эса қуйидагилар:

- 1) Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари

- 2) Нодавлаг нотижорат ташкилотлар
- 3) Оммавий ахборот воситалари;
- 4) Вояга егмаганларга иштимоий хукуқий ёрдам курсатиш марказлари
- 5) Васийлик ва хомийлик органлари;
- 6) Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,
- 7) Туризм соҳасидаги ташкилотлар
- 8) Ташқи ишлар вазирлиги;
- 9) Консулликлар;
- 10) Ота-она;
- 11) Фукаролар

Иштирок этувчи субъектлар бўлиб фирибгарликни олдини олишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга оширишда иштирок этиш хукукига эгадирлар.

Хуқукбузарликлар профилактикаси устидан умумий раҳбарликни

- Ўзбекистон Республикаси Президенти
- Вазирлар Махкамаси
- Махаллий давлат органлари амалга оширадилар.

Президент Ш.Мирзиёев “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Унга кўра Ички ишлар вазирлиги тузилмасида қуйидагилар ташкил этилди:

Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти;

Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Хуқукбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти;

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;

Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти;

Хуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази (Бош прокуратуранинг Жиноий-хуқуқий статистика бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилди);

Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази.

Шунингдек, Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил этилди.

Ички ишлар органи тергов департаменти терговчилари, суриштирувчилари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддасига асосан терговга қадар текширув органларида ваколати доирасида ҳудудда содир этилган фирибгарлик жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда келгусида ўшбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳакидаги топшириқ каби кўрсатма бериш ваколатига эга. Шу сабабли терговчи маъмурий ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги фирибгарлик жиноятларнинг олдини олиш юзасидан профилактика инспекторларига тошириқ бсрганда, бу турдаги ҳукуқбузарликка имкои бергаи сабаб ва шарт-шароитларни аниқ кўрсатиб ўтиши лозим.

Ички ишлар органлари ҳукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўгрисида йўриқноманинг З-боби Ҳукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби кўрсатилган бўлиб унга кўра :

Ҳукуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари асосида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ташкилий инспекторлик ва ахборот-таксилил бош бошқармаси томонидан ҳукуқбузарликлар профилактикасига доир идоравий дастурлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилиши ташкиллаштиради ҳамда прокуратура органлари ҳузурида ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар билан хамкорлик таъминланади.

Ҳукуқбузарликлар профилактикасига доир тасдиқланадиган ҳудудий дастурларни ишлаб чикиш ва амалга оширилишини ташкиллаштириш Қоракалпогистон республикаси ички ишлар вазирлиги, Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ташкилий-инспекторлик бошқармалари томонидан амалга оширилади ҳамда прокуратура органлари ҳузуридаги ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар билан бу борада ҳамкорлик таъминланади.

Вазирликнинг ҳукуқбузарликлар ирофилактикасига доир идоравий дастури асосида вазирликнинг соҳавий хизматлари ўз дастурларини ишлаб чиқишлари мумкинлиги қайд этилган. Шу тартибда вазирликнинг шунингдек Қорақалпогистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ҳукуқбузарликлар профилактикасига доир идоравий дастури соҳавий хизматлар ва туман ички ишлар органлари ўз дастурларини ишлаб чиқишлари мумкин.

Ушбу йўриқномага мувофиқ ички ишлар органлари ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини қабул қилинган давлат дастурлари, идоравий

дастурлар ва идораларо ишлаб чиқилган комплекс ва алохида дастурлар асосида ўтказиши мумкин. Шунингдек Ички ишлар органлари республикамиз барча фукаролари билан конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқукбузарликлар профилактикасини амалга ошириши ва ажнабий фукаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан умумий асосларда ҳуқукбузарликлар профилактикасини амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Мазкур йўриқноманинг 10-параграфида ҳуқукбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш тартиби кўрсатилган бўлиб, уни фирибгарлик микёсида тахлил этадиган бўлсак қуидагича амалга оширилади:

Ички ишлар органлари фирибгарликка оид ҳуқукбузарликларнинг виктимологик профилактикасини мавсумий ёки креминоген вазиятидан келиб чиқиб, республика, минтақа ёки туман (шахар) микёсида ёхуд алохида кичик ҳудудларда ва объектларда амалга оширади.

Яъни бу турдаги ҳуқукбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда мавсумий ва креминоген вазият мухум ўрин тутиб, мавсумий ва креминоген вазиятнинг кескинлашуви ва ошишида бу турдаги жиноятчиликка қарши алохида дастур ишлаб чиқилишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Ички ишлар органлари томонидан фирибгарликка оид ҳуқукбузарликлар содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётгап шарт-шароитларни бартараф этиш, бу тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган виктимологик профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширади.

Фирибгарликка оид ҳуқукбузарликларнинг профилактик тадбирлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ички Ишлар Вазири, Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари, туман (шахар) ички ишлар бошқармалари бошликларининг буйруғи, фармойиши, кўрсатмаси асосида ташкил этилади.

Ички ишлар органлари фирибгарликка оид виктимологик тадбирларни ҳуқукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳамда фукароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек, бу жараёндаги ҳуқукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳамда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларини таклиф этиши мумкин.

Агарда виктимологик профилактик чора тадбирлар Республика микёсида амалга оширилишини тақазо этадиган бўлса бундай ҳолатларда ички ишлар вазирининг алохида буйруғи, фармойиши ва кўрсатмаси асосида амалга

оширилади.

Фирибгарлик жиноятини содир этиб жазодан озод килиш муассасаларидан озод қилишган ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлик бўлмаган жазога хукм қилинган шахслар ўртасида хуқуқбузарлик содир этилиш сабаблари хамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш борасидаги виктимологик профилактик тадбирлар ички ишлар вазирлиги ҳуқубузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан амалга оширилади. Озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазони ўтаётган шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари хамда унинг содир этилишига имкон берган шарт - шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, уларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга таёrlаш бўйича виктимологик тадбирлар ички ишлар органлари жазони ижро этиш бош бошқармаси ва жазони ижро этиш муассасалари томонидан амалга оширилади.

Махаллий давлат хокимияти органлари ҳузуридаги ташкил этилган маҳсус камиссиялар билан хамкорликда фирибгарлик жиноятини содир этиб жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш ёки жазолаш тўғрисида тақдимнома ва тақлифлар ички ишлар органларининг ҳуқубузарликлар профилактикаси хизмати томонидан амалга оширилади.

Шу ўринда бугунги кунда республикамизда жиноятчилик сони хусусан фирибгарлик жиноятлари айниқса кўпайиб бораётганлигини хисобга олган холда бу турдаги жиноятларнинг содир этилишини камайтириш, уни содир этган шахсларни ўз вактида аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўrsatiш, фирибгарлик жиноятини содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини аниқлаш ва рўйхатини юритиш, бу тоифадаги шахслар билан алохида ишлаб чикилган виктимологик чора- тадбирлар асосида шуғулланиш, уларнинг самарали тарзда амалга оширилиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш, натижаларини доимий тахлил этиб бориш ва янги тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш лозим деб хисоблаймиз. Бунинг учун Ички ишлар органлари соҳавий хизмат ходимлари ва ҳуқуқбузарликларни бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан хамкорликда Фирибгарлик профилактикасиغا қаратилган виктимологик чора- тадбир ишлаб чиқилиши лозим. Мисол учун «Фирибгарликка қарши кураш ойлиги» деб ном қўйдик. Шуни хам эътиборга олиш лозимки, бу тадбир криминоген ва мавсумий вазиятлардан келиб чиқиб маълум бир ҳудудда туман, минтақа ёки республика миқёсида амалга оширилади. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда бевосита амалга оширувчи давлат органлари эса ўзаро келишилган асосда виктимологик дастур ишлаб

чиқадилар ва амалга оширадилар. Ҳуқукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг қўйи бўғимлари бу дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўз дастурларини ишлаб чиқишлиари ва амалда жорий этишлари мумкин. Шу нарсани мухум вазифа тарикасида таъкидлаш лозимки бу тадбирнинг асл мазмун моҳиятини барча соҳавий хизмат ходимлари чукур англаган холда масъулият билан ёндашишлиари лозим ва мазмунига кўра фуқароларимиз ишончидан фойдаланиб фирибгарлик жиноятини содир этишга урунаётган давомли тарзда содир этаётган, қонун нормаларини қасдан бузаётган шахсларни аниқлаш жараёнидан тортиб бу шахсларни қонун олдида жавобгарликка тортиш жараёнини ҳам, уларни содир этган жиноятига ундан омилларни аниқлашни ва бартараф этишни ҳам қамраб олиши зарур, нега деганда хозирги кунда амалга оширилаётган виктимологик тадбирлар мазмун жихатдан фақатгина қонун нормалари билан таъқиланган харакатларни содир этаётган шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш билан чегараланиб қолмокда ва танганинг иккинчи томонига, яъни жиноят содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга етарлича ахамият беришмаяпти. Бунга сабаб сифатида:

ишлаб чиқилган тадбир доираси етарли даражада кенг тармоқли эмаслиги, тадбирга кенг соҳавий хизматлар иштироки доирасининг таъминланмаганлиги, жиноят содир этишга урунаётган шахсларнинг бу йўлдан қайтаришга қаратилган харакатларнинг тадбир режасига киритилмаганлиги каби холатларни айтиб ўтишимиз мумкин. Таклиф сифатида амалга оширилаётган тадбирлар доирасини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида юкоридаги вазифаларни ҳам режа доирасига киритиш лозим. Бунинг учун эса қуйидаги холатларга алоҳида эътибор қаратиш яъни тадбир доирасидаги режага қуйидаги вазифаларни амалга ошириш :

Профилактика хизматлари ходимлари томонидаи фирибгарлик жиноятини содир этиш эҳтимоли юкори бўлган шахслар тоифасини аниқлаш рўйхатини юритиш ва профилактик ишлар олиб бориш;

Тезкор қидирав хизматлари томонидап бу турдаги жиноятларни содир этиб жавобгарликдан кочиб юрган шахсларнинг ялпи қидиувини ташкил этиш ва ушлаш чораларини кўриш;

Тергов хизматлари томонидан тезкор қидирав натижасида аниқланган шахсларни тергов қилиш жараёнида уларни содир этган жиноятини бўйнига қўйиш ва конун олдида жавобгарлигини таъминлаш билан бир қаторда жиноятга имкон берган, шароит яратиб берган ва содир этишга ундан омилларни асосий вазифалардан бири сифатида аниқ равишда белгилаш, бартараф этиш юзасидан профилактика хизматларига топшириқ ва кўрсатма бериш;

Фирибгарлик жиноятини содир этиб, озодликдан маҳрум этиш билан

боглик бўлмаган жазога хукм килинган шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси, пробация ходимлари томонидан бу турдаги хукуқбузарликларни содир этиш сабаблари хамда шарт- шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга оширади;

Бу тадбир давомида фирибгарликка оид хуқуқбузарликларни содир этган ва ЖИЭМдан озод этилган шахсларни махаллий давлат хокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган маҳсус камиссиялар билан хамкорликда ижтимоий реабилитация қилиш ва иштимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш ёки жазолаш тўғрисида такдимнома ва таклифлар ишлаб чикиш ва амалга оширилишини таъминлаш лозим деб хисоблаймиз.

Адабиётлар / Список литературы / References

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси //<https://lex.uz/acts/111453>
2. Серебренникова А.В. Уголовный кодекс Австрии. –М., Зердало, 2001.–С.144.
3. Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. –Киев: КНТ, 2007.–С.596.
4. Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб., Юридический центр Пресс., 2002.–С.226.
5. Шестакова Д.А. Уголовный кодекс федеративной Республики Германии. – СПб., Юридический центр Пресс, 2003. –С.524.
6. И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқа. Хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма .– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. Б–5.
7. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар маркази маълумоти
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти маълумоти